

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАБДУЛЛАЕВА ДИЛХУМОР ЭРКИНОВНА

**НИЗОЛИ ВАЗИЯТЛАРДА ЎСМИРЛАР ХУЛҚИНИНГ
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on the
psychological sciences**

Мирзабдуллаева Дилхумор Эркиновна

Психологические особенности поведения подростков в конфликтных
ситуациях и пути их координации.....3

Мирзабдуллаева Дилхумор Эркиновна

Низоли вазиятларда ўсмирлар ҳулқининг психологик хусусиятлари ва
уларни мувофиқлаштириш йўллари.....29

Mirzabdullayeva Dilkhumor Erkinovna

Psychological features of adolescents behavior in conflict situations and ways of
their coordination.....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАБДУЛЛАЕВА ДИЛХУМОР ЭРКИНОВНА

**НИЗОЛИ ВАЗИЯТЛАРДА ЎСМИРЛАР ХУЛҚИНИНГ
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Psi205 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psi-ik.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримова Васи́ла Маманоси́ровна
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Комилова Ноди́ра Га́йратовна
психология фанлари доктори, доцент

Сирлиев Бахтиёр Назарович
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Phd.03/30.12.2021.P.26.02.рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « ____ » ____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27.Тел.: (+99871) 276-82-32.)

Диссертация автореферати 2022 йил «__» « _____» куни тарқатилди.

(2022 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ф.А.Акрамова

Илмий даражалар берувчи Кенгаш
раиси, психол.фан.доктори (DSc),
доцент

Н.Б.Атабаева

Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш котиби, психология
фанлари бўйича фалсафа
доктори(PhD), доцент

З.Т.Нишанова

Илмий даражалар берувчи Кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси
психол.фан.доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда турли ёшдаги инсонларнинг ҳаёти ва фаолиятида низоли вазиятлар бўлиши муқаррар экан, уларни шахс хулқига қараб мувофиқлаштириш йўллари топиш орқали салбий оқибатларини бартараф этиш механизмларини қўллаш долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда. ЮНИСЕФнинг «Дунёдаги болалар ҳолати, 2021» хисоботида болалар, ўсмирларнинг руҳий саломатлигига нафақат соғлиқни сақлаш, балки барча соҳаларда шошилиш сармоялар киритиш талаб этилиши¹ қайд этилган. Бу борада Умумжаҳон пандемияси шароитида юқори даражадаги ҳимояланмаганлик жамиятнинг таъсирчан қатламларидан бўлган ёшларни иқтисодиёт, сиёсат, маънавият, таълим, тиббиёт, инновация соҳаларидаги иштирокини низоларсиз қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш йўллари эмпирик тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳон таълим ва илмий марказларида ўсмир ёшидаги ўғил-қизларнинг ривожланиши, ижтимоийлашуви, маънавий-ахлоқий ва интеллектуал камол топтиришда турли техноген таъсирлардан омон қолиши билан боғлиқ психологик таъсирлар, жумладан, педагоглар ва ота-оналар билан бўладиган таълим-тарбия жараёнларида юзага келадиган низоларнинг олдини олиш ва уларни конструктив ҳал қила олиш масалаларига оид илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ижтимоий муносабатлар диадаси бўлган педагог-ўқувчи, ота-она-фарзанд муносабатларида юзага келадиган низоли вазиятларнинг психологик хусусиятларини аниқлаш орқали мувофиқлаштириш йўллари такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва илмий тадқиқ этиш зарурати кўринади.

Республикамизда сўнгги йилларда ёшлар келажаги ва таълим-тарбиясига қаратилган, уларни интеллектуал салоҳиятли шахслар этиб камол топтиришга оид зарур ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилди. «Ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш»² масаласи устувор вазифалар этиб белгиланганлиги, 14-15 ёшдаги ўсмирларнинг хулқ-атворларидаги оғишларни бартараф этиш, низоли вазиятларда барча томонларнинг: ўсмирларнинг ўзлари, ота-оналар ва таълим амалиётини амалга оширувчи ўқитувчиларни мувофиқлаштириш механизмлари ва технологияларини такомиллаштиришни жорий этиш вазифасини ҳал этиш ишида етарли асос бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони, 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3827-сон «Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон «2019-

¹ ЮНИСЕФ. Дунёдаги болалар ҳолати, 2021 йил. www.unicef.org/sowc/

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони.

2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорлар ҳамда фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Республикада олимларидан Ф.А.Акрамова, Ш.Р.Баротов, М.Г.Давлетшин, Ш.А.Дусмухамедова, В.М.Каримова, З.Т.Нишонова, Н.А.Соғинов, Г.Б.Шоумаров, Э.Ғ.Ғозиев ва бошқалар томонидан ўсмирлик ёшидаги инқирозлар, шу жумладан оилавий низолар, ўсмирлар билан тарбиявий ишлар тизимидаги бузилишлар туфайли юзага келган шахслараро муносабатлар бузилишининг турли жиҳатлари илмий тадқиқ этилган. З.Ф.Камалетдинова, Н.Г.Камилова, Г.Р.Тожибоева, Г.К.Тўлаганова, А.В.Қодирова, Г.А.Қаршибоева ва бошқаларнинг илмий ишларида шахснинг ўзини баҳолаши ва шаклланиши тизимидаги бузилишлар, кадриятлар йўналганлиги, фрустрациялар ва ўсмирларнинг стрессга нисбатан бардошсизлиги масалалари илмий тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан А.Л.Анцупов, Б.Г.Ананьев, А.Б.Белинская, М.В.Божович, Ф.М.Бородкин, И.Ю.Выготский, Н.В.Гришина, М.М.Главатских, Н.В.Жутикова, А.Г.Ковалев, Л.С.Кулагина, В.В.Козлов, Э.И.Киршбаум, Л.И.Кишко, С.В.Кондратьева, А.Н.Леонтьев, А.Б.Орлов, А.М.Прихожан, Л.М.Семенюк, Л.А.Семчук, Д.И.Фельдштейн, Д.Б.Эльконин, В.И.Журавлева, Н.М.Корьяк, Л.А.Петровская, А.А.Реан, Б.И.Хасан, А.И.Шипилов ва бошқалар томонидан низоларни юзага келиши, интерсубъектив ва субъектив ёндашувлар, низодаги хулқ-атвор стратегиялари, низо иштирокчиларининг ички шахслараро тузилмалари, ўсмирлик муҳитидаги низолар табиатини ўрганиш ва ҳал қилиш йўллари илмий тадқиқ этилган.

Хорижий олимлардан Дж.Аптер, Дж.Бугенталь, А.Басс, Б.Биддл, С.Бриггс, М.Дойч, Л.Козер, К.Левин, А.Маслоу, Дж.Морено, А.Мак, Дж.Мид, К.Роджерс, Х.Ремшмид, В.Франкл, А.Фрейд, С.Страйкер ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўсмирлик даврига хос низоларнинг психологик коррекцияси муаммолари назарий ва амалий жиҳатдан ўсмирлик даврига хос низоларнинг олдини олишда шахс имкониятлари масалалари кенг қамровли тарзда тадқиқ этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Оила тарбиясининг самарадорлигини ошириш» банди,

ҳамда 561624-ЕРР рақамли «IMEP: Ўзбекистонда олий таълим соҳасидаги таълим ва жараёнларни халқаролаштириш ва модернизация қилиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2015-2018 йй).

Тадқиқотнинг мақсади низоли вазиятлар ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш йўллари тақомиллаштириш мақсадида «ўқувчи-ўқитувчи», «ўсмир - ота-она», «ўқитувчи-ўқувчи» тизимларида ўсмирларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш механизмларини очиб бериш ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

низолар генезисини таҳлил қилган ҳолда «ўқувчи-ўқитувчи», «ўсмир-ота-она», «ўқитувчи-ўқувчи» тизимларида вужудга келадиган низоларнинг психологик хусусиятларини аниқлаш;

ўсмирлар, ўқитувчилар ва ота-оналар гуруҳларининг низоли вазиятлардаги муносабатлари турларининг жинс фарқларини диагностика қилиш ва хулқ-атвор устуворлигини дифференциал тарзда илмий тадқиқ этиш;

низолар вазиятларда ўсмирлар хулқ-атворларини мувофиқлаштириш йўллари аниқлаш орқали ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш, тажриба моделини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш;

«ўқувчи-ўқитувчи», «ўсмир - ота-она», «ўқитувчи-ўқувчи», «ота-она-ўқитувчи» муносабатларида вужудга келадиган низоларни ҳал қилишга ёрдам берадиган психологик тренингларнинг самарадорлигини аниқлаш ва педагоглар, психологлар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига психологик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўсмирларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш механизмларини очиб бериш жараёни танланган бўлиб, Наманган шаҳридаги №7, №11, №22–сонли умумий ўрта таълим мактабларининг 14-15 ўсмир ёшидаги 83 нафар ўқувчилари, уларнинг 64 нафар ота-оналари ва 68 нафар ўқитувчилари жалб этилган, респондентларнинг умумий сони 215 нафарни ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети низоли вазиятларда ўсмирларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг хулқ-атворини мувофиқлаштириш йўллари ва методлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари: суҳбат, кузатиш методлари, сўровнома шунингдек, Н.П.Фетискин, В.В.Козлов, Г.М.Мануйловларнинг «Низоли вазиятда хулқ – атвор услубларининг экспресс-диагностикаси» сўровномаси, С.М.Емельяновнинг «Болалар билан ўзаро муносабатлардаги конструктив хулқ-атворни баҳолаш» методикаси, С.В.Духновскийнинг «Шахслараро муносабатларни субъектив баҳолаш» сўровномаси, В.Ряховскийнинг «Ўзини-ўзи низокорлигини баҳолаш» сўровномаси, А.Д.Карпухинанинг ўқитувчилар ва ўсмирлар учун анкета-сўровномаси методларидан фойдаланилди, олинган натижаларнинг ишончлилиги математик-статистика методларидан К.Пирсоннинг r корреляция коэффициенти, Спирменнинг ранглар

корреляция коэффициенти, Стъюдентнинг t-мезони ҳамда Манна-Уитнининг нопараметрик U- мезонлари орқали текширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

«ўқувчи-ўқитувчи», «ўсмир-ота-она», «ота-она-ўқитувчи» тизимидаги шахслараро муносабатларни субъектив баҳоланиши тажовузкорлик ҳамда психик тажангликни даражавий ривожлантириши ички ва ташқи «бегоналишиш»га олиб келганлиги туфайли низоли вазиятларда ўсмир хулқ-атворини психологик хусусиятларини очиб берувчи индивидуал омиллардан бири эканлиги далилланган;

конфликтотген вазиятларни детерминацияловчи омиллар таъсирига кўра, қизларда «компромисс – яраштирувчи - қаттиқ услуб», ўғил болаларда «компромисс - қаттиқ -яраштирувчи услуб»нинг ижтимоий установакаларга боғлиқ равишда устувор характерга эга эканлигига асосланиб, ўсмирларнинг низоли хулқ-атвор услубида ёш ва гендер фарқлар мавжудлиги исботланган;

«ўқувчи-ўқитувчи» муносабатларидаги конфликтотген вазиятларнинг таълимий жараёнга бевосита таъсирига кўра, шахснинг «ўз-ўзини низокорлик» даражасини интроспектив позицияда баҳолаш орқали сусайтириши асосланиб, педагог хулқ-атворининг конструктивлиги муҳим компонент эканлиги далилланган;

«ўқувчи-ўқитувчи», «ўсмир-ота-она», «ўқитувчи-ўқувчи», «ота-она-ўқитувчи» муносабатларидаги низоли вазиятларни бартараф этишда тажовузкорлик, ички ва ташқи бегоналашувни эмоционал қадриятлар тизимини барқарорлаштириш орқали коррекциялашга асосланиб, ўсмир хулқ-атворига ҳиссий-когнитив таъсирни психологик мувофиқлаштириш муҳимлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ўсмирлар, ўқитувчилар ва ота-оналар учун психологик тренинг модулларидан иборат «Ўсмирларнинг конфликтологик компетентлигини ошириш йўллари» номли услубий қўлланма яратилган ва таълим муассасаларида қўлланилган;

«ўқувчи-ўқитувчи», «ўсмир-ота-она», «ота-она-ўсмир», «ота-она-ўқитувчи» муносабатларида юзага келган низоларни бартараф этишда махсус «Психологик тренинг дастури» ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган;

ҳаётий вазиятларда «ўқувчи-ўқитувчи», «ўсмир-ота-она», «ота-она-ўсмир», «ота-она-ўқитувчи» муносабатларида вужудга келадиган низоларнинг олдини олиш ва ҳал қилишга амалий ёрдам берадиган педагог, психолог, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига мўлжалланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диагностик воситалар орқали тўпланган илмий маълумотлардан фойдаланилганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, халқаро миқёсда тан олинган методикалар, математик-статистиканинг аниқ методлари қўлланилган бўлиб, синалувчиларнинг танланиш ҳажми ва унинг репрезентативлиги, эмпирик изланишларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқот натижалари

кўрсаткичларининг бошқа муаллифларнинг маълумотлари билан қиёсий таҳлил этилгани ва ишончли манбаларга асосланганлиги, асосий ҳолатлар кенг илмий жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бакалавр ва магистратура таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашга доир олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда, «Шахслараро муносабатлар психологияси», «Консультатив психология ва психокоррекция» фанларидан дарсликлар яратишда, умумий ўрта таълим мактаб тизимидаги ўқитувчилар ва психологларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти халқ таълим тизимида ижтимоий-психологик хизматни ташкил этишда, низоли вазиятларда ўсмирлар хулқ-атворининг психологик хусусиятлари, «ўқувчи-ўқитувчи», «ўсмир-ота-она», «ота-она-ўсмир», «ота-она-ўқитувчи» муносабатларида вужудга келадиган низоларни бартараф этишда, ўқув фаолиятида маънавий ва ақлий-интеллектуал жараёнларни ривожлантиришда самара бериши билан ҳамда мактаб ўқитувчилари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига низоларни бошқариш бўйича конфликтологик компетентлик даражасини ошириш имкони билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Низоли вазиятларда ўсмирлар хулқининг психологик хусусиятлари ва уларни мувофиқлаштириш йўллариини ўрганишга доир олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари асосида:

«ўқувчи-ўқитувчи», «ўсмир-ота-она», «ота-она-ўқитувчи» тизимидаги шахслараро муносабатларни субъектив баҳоланиши тажовузкорлик ҳамда психик тажангликни даражавий ривожлантириши ички ва ташқи «бегоналишиш»га олиб келганлиги туфайли низоли вазиятларда ўсмир хулқ-атворини психологик хусусиятларини очиб берувчи индивидуал омиллардан бири эканлиги далиллашга доир илмий хулосалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 26 августдаги ПМ-31-а-сон буйруғига асосан «Онтогенез психологияси ва дифференциал психология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 апрелдаги ПМ-4-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши натижасида бўлажак педагог-психологлар, амалиётчи психолог мутахассисларнинг касбий тайёргарлик даражасини ошириш соҳасида сифат жиҳатдан ўсишга эришилган;

конфликтоген вазиятларни детерминацияловчи омиллар таъсирига кўра, қизларда «компромисс – яраштирувчи - қаттиқ услуб», ўғил болаларда «компромисс - қаттиқ -яраштирувчи услуб»нинг ижтимоий установакаларга боғлиқ равишда устувор ҳарактерга эга эканлигига асосланиб, ўсмирларнинг

низолари хулқ-атвор услубида ёш ва гендер фарқлар мавжудлиги исботлашга оид илмий хулосалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 26 августдаги ПМ-31-а-сон буйруғига асосан «Оила психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 апрелдаги ПМ-4-сон маълумотномаси). Мазкур эмпирик кўрсаткичлардан ўқув жараёнида фойдаланиш натижасида бўлғуси педагог-психолог ва амалиётчи психологларга «Оила психологияси»ни ўқитишда услубий таъминот такомиллаштирилган ҳамда назария ва амалиёт узвийлиги кучайтирилган;

«ўқувчи-ўқитувчи» муносабатларидаги конфликтотен вазиятларнинг таълимий жараёнга бевосита таъсирини кўра, шахснинг «ўз-ўзини низокорлик» даражасини интроспектив позицияда баҳолаш орқали сусайтиришига асосланиб, педагог хулқ-атворининг конструктивлиги муҳим компонент эканлиги далилланган маълумотларга таянувчи тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 26 августдаги ПМ-31-а-сон буйруғига асосан «Шахслараро муносабатлар психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 апрелдаги ПМ-4-сон маълумотномаси). Мазкур тавсияларнинг илмий-педагогик жараёнга татбиқ этилиши натижасида «Ота-она-ўсмир-тарбиячи» тизимида юзага келадиган низоларни ижтимоий-психологик жиҳатдан ўрганиш, объектив тавсифлаш имкониятлари оширилган;

«ўқувчи-ўқитувчи», «ўсмир-ота-она», «ўқитувчи-ўқувчи», «ота-она-ўқитувчи» муносабатларидаги низолари вазиятларни бартараф этишда тажавузкорлик, ички ва ташқи бегоналашувни эмоционал кадрлар тизимини барқарорлаштириш орқали коррекциялашга асосланиб, ўсмир хулқ-атворида ҳиссий-когнитив таъсирни психологик мувофиқлаштириш муҳимлиги исботланган илмий хулосалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 26 августдаги ПМ-31-а-сон буйруғига асосан «Ижтимоий психологик тренинг» модулига киритилган. (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 апрелдаги ПМ-4-сон маълумотномаси). Мазкур дастурий таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида бўлғуси психолог кадрларнинг мактабда психологик хизмат кўрсатиш, ўсмирларда низолари вазиятларни олдини олиш учун зарур илмий-амалий ҳамда услубий тайёргарлиги такомиллаштирилган

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 1 та республика, 1 та халқаро илмий конгресс ва 1 та халқаро илмий конференцияда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқотнинг асосий натижалари бўйича 1 та монография, 14 та илмий мақола, жумладан Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган журналларда 8 та, улардан 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертацион иш кириш, уч боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми иловаларсиз 122 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, ишнинг фан ва технологиялар ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг амалиётда жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «Психологияда ўсмирларнинг низоли вазиятлардаги хулқини ўрганишнинг назарий методологик асослари» деб номланган биринчи бобида хориж ҳамда мамлакатимиз олимларининг мавзуга оид назарий қарашлари умумлаштирилган, низолар муаммосининг психологияда ўрганилиши соҳасида замонавий психология фанида тўпланган тажрибалар умумлаштирилган, илмий тадқиқотнинг методологик асослари белгиланган, шунингдек, низолар муаммосининг узок хориж олимлари томонидан тадқиқ этилиши масаласига доир қарашлари ёритилган. Ўрганилган материалларга таянилган ҳолда диссертация ишининг мазкур қисмида низолар муаммоси бўйича назариялар, ёндашувлар, йўналишлар ўз аксини топган.

Маҳаллий олимлардан М.Давлетшин, Г.Шоумаров, В.Каримова, Ш.Баратов, Н.Соғинов, Э. Ғозиев, С.Ахунджонова ва мамлакатимиз файласуфлари ва социологлари, жумладан, Р.Жумаев, А.Холбеков, А.Бегматов, М.Бекмуродов ва бошқаларнинг илмий ишларида низоларнинг табиати ва уларни ишлаб чиқариш шароитида, умуман ижтимоий тизимда ҳал этиш йўллари бағишланган. А.Қодированинги диссертация иши тадқиқотида ўсмирларнинг оиладаги низолар ҳақидаги ижтимоий тасаввурлари, оиладаги муносабатларнинг моҳияти, ҳар бир оила аъзосининг низоли вазиятлардаги хулқ-атворини ижтимоий-психологик белгиловчи омиллари ўрганилган. Г.Тожибоеванинги илмий изланишида ўсмирлар ўртасидаги шахслараро низоларда мактаб психологларининг коррекцион фаолиятининг психологик механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилган.

Низоли вазиятлар ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш йўллари такомиллаштириш мақсадида «ўқувчи-ўқитувчи», «ўсмир - ота-она», «ўқитувчи-ўқувчи» тизимларида ўсмирларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш механизмларини очиб берувчи биз куйидаги моделни тақдим этдик (1-расмга қаранг).



1-расм. «Ўқувчи-ўқитувчи», «ўсмир - ота-она», «ўқитувчи-ўқувчи», «ўқитувчи-ота-она», «ота-она-ўқитувчи» тизимларида кузатиладиган ўзаро муносабатлар модели

Ушбу моделда муносабатларнинг ўзига хослиги ўқитувчи ва ўқувчи, ўқитувчи ва ота-она, ота-она ва ўсмир тизимларида муносабатларни мувофиқлаштиришни излаш имкони бўлган вариантларини қайта қуриш нуктаи назаридан кўрсатилган. Юзага келиши мумкин бўлган конфликтогенларни тушунишда муносабатлар тизимини мувофиқлаштириш ва натижада конфликтларни ҳал қилишда иккала томоннинг муносабатларини ҳисобга олиш зарурлигини тушуниш муҳимдир.

Диссертацияни «Низоли вазиятларда ўсмирлар хулқини ўрганишнинг эмпирик ва экспериментал натижалари» деб номланган иккинчи бобида низоли вазиятларда ўсмирнинг ўқитувчилари ва ота-онаси, ота-онанинг ўсмир ёшли боласи ҳамда унинг ўқитувчилари билан бўладиган муносабатлардаги низоларни ўрганиш, эмпирик ва тажриба натижаларининг солиштирма таҳлиллари келтирилган.

«Ўқувчи-ўқитувчи» муносабатлари тизимидаги ўқув жараёни субъектлари муносабатларини ўрганиш учун ўсмир-ўқувчилар гуруҳида биз С. В. Духновскийнинг турли хил муносабатлар тизимида «Шахслараро муносабатларни субъектив баҳолаш» сўровномасидан фойдаландик. Қуйида сўровномадан ўтган ўқувчиларнинг кўрсаткичларини келтирамиз. Ўлчовлар ўртасидаги муносабатларнинг статистик таҳлили Пирсон корреляция коэффициенти усули қўлланилди. Маълумотлар 1-жадвалда умумлаштирилган.

1-жадвал

С.В.Духновский методикаси ёрдамида «Ўқувчи-ўқитувчи» муносабатлари тизимида шахслараро муносабатларни субъектив баҳолаш натижалари

	Низокорлик	Тажовузкорлик	Таранглик
Бегоналашиш	0,403**	0,027	0,304*
Низокорлик		23,270*	-0,067
Тажовузкорлик			-0,027


* - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$

Юқоридаги натижалар «бегоналашиш» ва «низокорлик» шкалалари ўртасида сезиларли ўртача ижобий ўзаро алоқадорлик мавжудлигини кўрсатмоқда ($r=0,403^{**}$, $p < 0,01$). «Бегоналашиш» шкаласи бўйича кўрсаткичлар қанчалик кўп ифодаланса, «низокорлик» шкаласидаги кўрсаткичлар шунчалик яққол намоён бўлади. Олинган маълумотлар натижасига кўра, ўсмирлар билан ўқитувчилар ўртасида зиддиятли

муносабатлар мавжудлиги сабабли «бегоналашиш»га мойил бўлиши мумкинлиги аниқланган. Тадқиқот яна шуни кўрсатдики, низокаш ўсмирларда бошқа одамлардан узоқлашиш истагининг жиддийлиги, муносабатлардаги ишонч ва яқинлик даражаси, яқин муносабатларни ўрнатишда эҳтиёткорлик даражаси, ўз манфаатларига аралашининг паст даражаси каби психологик белгилар мавжуд бўлар экан.

Шунингдек, «ўқувчи-ўқитувчи» тизимидаги муносабатларни аниқлаш мақсадида ўсмир-ўқувчилар учун А. Карпухина томонидан тузилган сўровнома ўтказилди ва куйидаги натижалар олинди (2-расмга қаранг).

Ўқитувчиларинг билан низолар бўлиб турадимми?



Активга
Чтобы а:
раздел "1

2-расм. А.Д.Карпухинанинг «ўқувчи-ўқитувчи» муносабатлари тизимини ўрганиш бўйича сўровнома натижалари

«Ўсмир-ўқитувчи» тизимидаги ўсмирларнинг низоларини ўрганиш жараёнида олинган натижаларнинг тахлили шуни кўрсатдики, ўсмирларнинг атиги 12 фоизда ўқитувчилари билан ҳеч қандай низо бўлмайди. Ўсмирларнинг 63% ўқитувчилар билан тез-тез низога киришади ва 25% эса камдан-кам ҳолларда низоли муносабатлар пайдо бўлади.



3-расм. А.Д.Карпухинанинг «ўқувчи-ўқитувчи» муносабатлари тизимини ўрганиш бўйича сўровнома натижалари.

Шунингдек, «ўқувчи-ўқитувчи» тизимидаги муносабатларни аниқлаш мақсадида ўсмир-ўқувчилар билан ўтказилган сўровнома куйидаги натижаларни берди: синовдан ўтган ўсмирлар назарида ўқитувчилар билан низоларнинг кенг доираси аниқланди (3-расмга қаранг). Аксарият субъектларнинг фикрига кўра, яъни, 54%и, энг кўп низолар ўқитувчи томонидан ўсмирга нотўғри муносабатда бўлиш, тушунмаслик туфайли

содир бўлади. Балки бу ҳолат, Н.Ғ. Камилова таъкидлаганидек, ўсмирлардаги фрустрацияга толерантликнинг пастлиги натижасида рўй берар (Камилова Н.Ғ., 2000). Ўсмир диққатини ва низо даражасини ўқитувчига ўтказди ва уни «тушунмаслик»ларини кўрган жойда у низонинг ташаббускорига айланади. Ўсмир «беғоналашиши» ва заифлигини англаши натижасида низоларни келтириб чиқаради, педагогдан норизо бўлади.

Бундан ташқари, ўсмирлар ўқувчиларнинг ўқитувчи томонидан қабул қилиниши ва қўллаб-қувватлашга боғлиқлигини таъкидладилар. Ўсмирларнинг 10 % фоизи ўқитувчилар билан низолар уларнинг билимлари адолатсиз тарзда баҳоланиши билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Диққат марказида бўлиш истаги, компетенцияга бўлган эҳтиёж ўсмирлик даврида, айниқса 14-15 ёшда ҳам долзарб бўлиб, бу ресурслар ва ички потенциал ғоясини тасдиқлайди. Ёшларнинг 15%и ўқитувчи томонидан уйга вазифа кўплиги сабабли, бўш вақт қолмаслигига ва қизиқарли дам олиш имконининг йўқлигини таъкидладилар. Эҳтимол, бу ёшга боғлиқ физиологик муаммолар билан боғлиқ чарчоқ асосида бўлиши мумкин. Ўқувчиларнинг 8% - баъзи ўқитувчилар уларни ёқтирмасликлари ва уларнинг 13% - ўқитувчини ёқтирмасликлари сабабли низолар юзага келиши хақида маълумот беришди. Тадқиқотимиз натижаларига кўра, «ўсмир-ўқитувчи»га нисбатан қуйидаги йўналишда ўз фаолиятини коррекция қилиши зарурлигини таъкидлашган: психоэмоционал ҳолат (чарчоқ); тушуниш имкониятлари ва мулоқотнинг интроспектив томони.

Биз синалувчи ўсмирлар билан низоли вазиятда қизлар ва ўғил болаларнинг хулқ-атвор услубларини ўрганиш учун Н.П Фетискин, В.В Козлов, Г.М. Мануйловларнинг «Низоли вазиятларда хулқ-атвор услубларининг экспресс диагностикаси методидан фойдаландик ва олинган натижаларнинг гендер хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда умумлаштирдик (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

«Низоли вазиятларда хулқ-атвор услубларининг экспресс диагностикаси» методикаси ёрдамида ўсмирларнинг хулқ-атвор услубларини ўрганиш натижалари(N=70)

Хулқ-атвор услуби	Син алувчи қизлар N =35		Синалувчи ўғил болалар N=35		Жами	
	%	Ранг	%	Ранг	%	Ранг
Қаттиқ услуб	10	3	15	2	25	2
Яраштирувчи услуб	15	2	9	3	24	3
Компромисс услуби	17	1	16	1	34	1
Юмшоқ услуб	8	4	5	4	14	4
Четлашиш услуби	2	5	2	5	3	5

Маълумотларни таҳлил қилиш асосида биз қизлар ва ўғил болалар ўртасида аниқланган гендер фарқларнинг мавжудлигини аниқладик. Ўсмирлар, бир томондан, ҳамкорликка, интерактив ўзаро муносабатларга

интилишади, иккинчи томондан, улар ўз мустақиллигини ва индивидуаллигини ҳимоя қиладилар ва юқоридаги ҳолларда бир қанча сабабларга кўра зиддиятга тушиб қоладилар. Маълумотлар таҳлили асосида синовдан ўтган ўсмирларнинг аксарияти, яъни, 34%и компромисс(муроса) услубини танлашга йўналганлигини кўрсатди. Агар муросага келишнинг иложи бўлмаса, улар «қаттиқ услубни» қабул қилишади (25%). Қолган услублар камайиш тартибида низони ҳал қилишга қаратилган. Ушбу натижалардан шундай хулосага келамизки, синалаётган ўсмирлар хулқ-атворининг психологик компонентида зиддият қилишга дастлабки установка - муносабат мавжуд эмас. Лекин ўзаро муносабатларда, зиддиятли ҳимоя тизимларини ишга тушишининг ўрни мавжуд.

Синалувчи ўсмир қизлар гуруҳи бўйича куйидаги хулқ усуллари “компромисс - яраштирувчи - қаттиқ услуб” тарзида намоён бўлади. Ўсмир болалар гуруҳида эса – “компромисс - қаттиқ услуб – яраштирувчи” услуб устиворлик қилади. Иккала гуруҳда ҳам низолардан қочиш охириги ўринда туради, бу эса ўсмирларнинг фрустрация ҳолатидаги заифлигини таъкидлайди. Эҳтимол, ўзаро муносабатларда низонинг асосий идрокини «феминин» ва «маскулин» реакция турларининг устунлигига установка бўлиши мумкин. Хулоса шуки, ярашиш имкониятининг йўқлиги низо ва тажовузнинг кучайишига олиб келади, ҳолбуки, ўғил болалар гуруҳида қаттиққўллик услубидан фойдаланиш ярашиш ва мувофиқлашиш йўллари топиш имконига айланади.

Тадқиқотнинг кейинги босқичи «ўсмир-ўқитувчи» тизимидаги низоли муносабатларни баҳолаш хусусиятларини ўқитувчилар берган фикрлар асосида аниқладик. Маълумотлар «Мақтаб ўқитувчилари учун сўровнома» анкетаси ёрдамида олинган. Сўровда 68 нафар ўрта ва юқори синф ўқитувчилари иштирок этишди, уларнинг ўртача иш тажрибаси 15 йил бўлиб, ўртача ёшлари 35-40.

Ўқитувчиларнинг «ўсмир-ўқитувчи» тизимидаги низоли муносабатларни баҳолашни ўрганиш куйидагиларни кўрсатди: аксарият ўқитувчиларнинг ўзлари ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари билан низолашишлари сони охириги пайтларда сезиларли даражада ошган, деб ҳисоблашади. Ўқитувчиларнинг 89% фоизи учун сўнгги 5 йил ичида 14-15 ёшдаги ўсмирлар билан низолар сони кўпайган. Ўқитувчиларнинг фикрига кўра, уларнинг педагогик фаолияти кўплаб психологик муаммолар (стресс, иш юкламаси, пандемия шароитида ахборот технологияларини ўзлаштириш, он-лайн таълимни ташкил этиш, ҳужжатлаштириш каби) билан тўлдирилган, бу ўқитувчининг ҳам, ўсмир ўқувчиларнинг психологик фаровонлигига салбий таъсир қилади. Ўқитувчиларнинг атиги 7% да улар билан ўсмирлар ўртасида ҳеч қандай низо йўқ, деб жавоб беришган.

Деярли ҳар бир дарсдаги низолар ўсмирлар билан ишлайдиган ўқитувчиларнинг - 9 % да, ҳар куни - 10%да, ҳар ҳафтада - 29 % да, деярли ҳар ойда - 24 % да, жуда камдан-кам 22% ҳолларда ва ҳеч қачон - 7 % учрайди. Шундай қилиб, ўқитувчиларнинг атиги 29 % ёки тадқиқотда иштирок этаётган ўқитувчиларнинг 1/3 қисми низолар билан боғлиқ жиддий муаммоларга дуч келмайдилар.

Мактаб ҳаётида низолар мавжудлигини ўрганиш динамикаси тадқиқотимизнинг кейинги босқичини белгилаш имконини берди, яъни, ўтказилган сўровнома «ўқитувчи - ўсмир» ўзаро муносабатлари тизимида келишмовчилик нуқталари мавжудлигини кўрсатди. Шундай қилиб, ўсмирга унинг ёшига мос бўлмаган ҳолда бола сифатида муносабат билдириш сабабли катталар билан зиддиятларга учраб туриш вазиятларини келтириб чиқарар экан. Ҳолбуки, аксинча, ўсмирнинг ёши, психофизик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, унинг мустақиллигини қабул қилиш ёки қилмаслик ўқитувчилар билан содир бўлувчи зиддият учун замин бўлади. Яъни, ўқитувчи идеал ва реал жиҳатдан расмий вазифалар доирасида ўсмир билан нормал муносабатларга киришишга қийналар экан. Бундан ташқари, ушбу вазиятлар ота-оналар назарида обрўи ўқитувчи ролини бажариш билан боғлиқ тахминлар ва даъволар туфайли муносабатлар кўпроқ келишмовчиликларга айланиши мумкинлиги тўғрисидаги тасаввурларни келтириб чиқаради.

Биз ўқитувчиларнинг зиддиятлилиқ даражаси ва болалар билан конструктив хулқ-атворини аниқлаш учун В.Ф. Ряховскийнинг «Шахснинг ўзини-ўзи низокорлигини баҳолаш» ва С.М.Емельяновнинг «Болалар билан ўзаро муносабатлардаги конструктив хулқ-атворни баҳолаш» сўровномалари ёрдамида ўша конгингентда тадқиқот ўтказдик. Шкалаларнинг ўзаро алоқаларини таҳлил қилиш учун Спирменнинг корреляцион коэффиценти методикаси ёрдамида таҳлил қилиб, натижаларни қуйидаги жадвалда умумлаштирдик.

3-жадвал

В.Ф. Ряховскийнинг «Шахснинг ўзини-ўзи низокорлигини баҳолаш» ва С.М.Емельяновнинг «Болалар билан ўзаро муносабатлардаги конструктив хулқ-атворни баҳолаш» сўровномалари бўйича олинган натижаларнинг корреляцион таҳлили

	Низокорлик даражаси	Хулқ-атворнинг конструктивлиги
Ёши	-0,035	0,331***
Низокорлик даражаси		0,2*

* - $p < 0,05$, * - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$

Олинган натижаларга кўра «ёш» шкаласи ва «хулқ-атвор конструктивлиги» шкаласи ($n=0,331^{***}$, $p < 0,001$). ўртасида муҳим мўътадил ижобий алоқадорлик аниқланди. «Ёш» шкаласи бўйича кўрсаткичлар ошиши билан «хулқ-атвор конструктивлиги» шкаласи бўйича кўрсаткичлар ҳам ортади. Яъни, яшаб ўтилган йиллар миқдори каби хусусиятлар болаларни тарбиялашга ва улар билан муносабатларга тайёрлик даражаси, болалар билан жиддий низоларни олдини олиш қобилияти билан ижобий боғлиқдир. Ушбу блокда ҳаракатларни мувофиқлаштириш - ўсмирлар билан иш олиб борувчи ўқитувчилар учун низоларни ҳал қилиш психологиясини ўқитишни ташкил этиш, бағрикенглик ва гендер сезгирлигини ошириш йўналишига қаратилган бўлиши зарур.

Биз тадқиқотда «Ўсмир - ота-она» муносабатлар тизимини ўрганиш учун ўсмирлар гуруҳида яна С. В. Духновскийнинг «Шахслараро муносабатларни субъектив баҳолаш» методикасидан фойдаландик(4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

«Шахслараро муносабатларни субъектив баҳолаш»да «ўсмир - ота-она» муносабатлар тизимидаги ўртача қиймат кўрсаткичлари


№	Шкалалар	«Ўсмир-ота-она» муносабат тизимидаги ўртача қийматлар
1	Бегоналашиш	64,97
2	Низокорлик	52,47
3	Тажовузкорлик	53,73
4	Таранглик	23,34

Методика ёрдамида қўлга киритилган натижалар шахслараро муносабатларни субъектив баҳолаш тизимида «ўсмир - ота-она» муносабатлардаги ўртача қиймат кўрсаткичлари ота-оналар билан муносабатларда биринчи навбатда ўсмирларда «бегоналашиш» ҳолатига олиб келишини кўрсатди (64,97), ушбу ҳолат ўз навбатида «тажовузкорлик» (53.73) «низокорлик» (52.47)нинг сабабига айланиши ва натижада ўзаро муносабатларда «таранглик» (23,34) ни ҳам келтириб чиқараши намоён бўлди. Бошқача қилиб айтганда, ўсмирнинг ўз ота-онаси билан муносабатларида биз –“таранглик - бегоналашиш -тажовуз – низо” феноменларининг мавжудлигини кўрдик.

Ушбу ҳолда, «Ўсмир» - «ота-она» муносабатида низони тартибга солиш бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштириш - психоэмоционал тарангликни олиб ташлаш натижасида бегоналашиш ва тажовузкорликни пасайтиради, бу эса ўз навбатида низони ҳал қилишга ёрдам беради. Шунингдек «ўсмир-ота-она» тизимидаги муносабатларини ўрганишда ўсмирлар учун А. Д. Карпухина томонидан тузилган сўровнома натижаларига кўра, синалувчиларнинг 41% и ўз ота-оналари билан низоларга бориб туришлари аниқланди, натижалар 4-расмда акс этган.

Натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, ўсмирлар турли сабабларга кўра ота-оналари билан низога киришади. Респондентларнинг 41% да низолар тез-тез бўлиб туради, уларнинг 22% да камдан-кам ҳолларда бўлади. Уларнинг фикрича, ота-оналар билан низолар ўсмирларнинг 37 % да содир бўлмайди.

3. Ота-онанг билан низолар бўлиб туради деб айта оласанми?



4-расм. А. Д. Карпухина бўйича «ўсмир-ота-она» муносабатлари тизимини ўрганиш сўровномаси натижалари

5-расмда акс этган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, Ота-оналари билан низоларнинг асосий сабаблари сифатида қуйидагилар санаб ўтилган: ўсмирда бўлган истак-хохишларини амалга оширишни тақиқлаш -38 %, ўсмирларга нисбатан қўйилган талабларнинг юқорилиги 21%, ўсмирларни тушунмаслик -11%, ўсмирнинг дангасалиги туфайли - 11%, ўсмирларни яхши кўрмасликлари, меҳр етишмаслиги ҳисси пайдо бўлиши туфайли-19%. каби.

4. Ота-онанг билан тез-тез бўлиб турадиган низоларнинг сабаблари нимада деб ўйлайсан?



5-расм. А. Д. Карпухина бўйича «ўсмир-ота-она» муносабатлари тизимини ўрганиш сўровномаси натижалари

Ушбу пунктларнинг ҳар бири маълум даражада «ўсмирлар» ва «ота-оналар» ўртасидаги муносабатлардаги кескинлик, тарангликни оширади, тақиқлар, ортиқча қўйилган талаблар, тушунмовчилик эса меҳр ва эътиборнинг етишмаслигидан дарак беради.

Биз кейинги босқичда низоли вазиятларда ота-оналарнинг хулқ-атвор стратегиясини аниқлаш ва таҳлил қилишда катталарнинг низоли вазиятларда хулқ-атвор услубларини ўрганиш учун Н.П. Фетискин, В.В. Козлов, Г.М. Мануйловларнинг «Низоли вазиятда хулқ – атвор услубларининг экспресс-диагностикаси» методикасидан фойдаландик, натижаларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда ишончлилигини Пирсоннинг r корреляция коэффициенти

узули ёрдамида текширдик (5-жадвалга қаранг) .

5-жадвал

Ота-оналарнинг низоли вазиятларда хулқ-атвор услубларини ўрганиш натижалари

Хулқ – атвор услублари	Қаттиқ услуб	Яраштирувчи услуб	Компромисс услуби	Юмшоқ услуб	Четлашиш услуби
Ёш	0,208*	0,143	0,023	0,271**	0,095
Қаттиқ услуб		0,231**	-0,142	0,038	0,088
Яраштирувчи услуб			0,406***	0,218*	0,19*
Компромисс услуби				0,323***	0,182*
Юмшоқ услуб					0,192*

* - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$

Ота-оналарнинг хулқ-атвор стратегиясини таҳлил қилиш кўплаб кўрсаткичлар ва тенденцияларда алоқадорлик мавжудлигини кўрсатди. Биз ота-оналар ва ўсмирлар ўртасидаги муносабатларнинг қуйидаги услубларни аниқладик, яъни, тадқиқот «Ўсмир» - «ота-она» тизимида икки томонлама муносабатлар, яъни ўзаро боғлиқ услублар, муносабатлар типлари мавжудлигини кўрсатди:

1- тип. Ота-оналар низоли вазиятларда ўсмирларга нисбатан «Қаттиқ услуб» ни кўллашади (эҳтимол диктатура ёки рақобат). Шунга жавобан ўсмирларнинг кўпчилиги қариндошлар билан муносабатларда рақобат услубини танлашни афзал кўрадилар, бу рухсат этилган чегараларни аниқлаш ёки имкониятларни чеклаш имкониятидир.

2-тип. «Яраштирувчи» - «Компромисс» услублар.

3-тип. «Қаттиқ услуб»- «Юмшоқ услуб» (масалан, ота-она томонидан диктат, ҳукмронлик ишлатилса, ўсмир бўйсунганини кузатиш мумкин);

4-тип. «Яраштирувчи» - «юмшоқ» ёки «четлашиш» услублари;

5-тип. «Компромисс»- «юмшоқ» ёки «четлашиш» услублари;

6-тип. «Юмшоқ» - «четлашиш» услублари; фикримизча, ота-оналар ва ўсмирлар муносабатларидаги зиддиятли вазиятлар кўпроқ қуйида кўрсатилган эмоционал ҳолатларда келиб чиқади: ота-она ғазабланганида; ҳис-туйғуларни босиш зарур бўлганида; психоэмоционал тарангликда (стрессда) мураса қилиш (компромисс)нинг имкони бўлмаганида) ва четлашиш мумкин бўлмаганда.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида биз «ўқитувчи-ота-она» муносабатлар тизимидаги низоли вазиятларни ўргандик ва бунда биз А. Д. Карпухинанинг ўқитувчилар учун тузилган сўровномасидан фойдаландик. Ўқитувчилар ва ота-оналар ўртасидаги низолар сонининг кўрсаткичлари қуйида келтирилган (6-расмга қаранг).



6-расм. Ота-оналар билан низолар сонининг кўрсаткичлари

Олинган маълумотлардан куйидагилар аниқланди, ўқитувчиларнинг 40% камдан-кам ҳолларда ота-оналар билан низо қилишади, ўқитувчиларнинг 27% деярли ҳеч қачон низога қилишмаган. Бу шуни англатадики, ўқитувчиларнинг 67% ота-оналар билан жуда кам низо қилишади. Бирок, ўқитувчиларнинг 1/3 қисмидан кўпроғи ҳар ой ва деярли ҳар ҳафта ота-оналар билан низолашишади.

Рақамлар шуни кўрсатдики, охириги 5 йилда 14-15 ёшли ўсмирларнинг ота-оналари билан низолар сони ўқитувчиларнинг 84%да кўпайган. Фақатгина ўқитувчиларнинг 1/5 дан камроғи ота-оналар билан умуман низолашишмайди. Ўсмирлар билан солиштирганда низолар сони камроқ бўлишига қарамай, низоларнинг сабаблари жуда кўп. Ўқитувчиларнинг 33 фоизи уй вазифалари бўйича нуқтаи назарларнинг мос келмаслиги сабабли ота-оналар билан низолар борлигига ишонишади. Ўқитувчиларнинг 40 фоизи учун ота-оналар билан низоларнинг сабаби ўқувчилар билимини баҳолаш бўйича ўқитувчилар ва ота-оналарнинг нуқтаи назарлари ўртасидаги номувофиқлик; 20% учун - ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ўсмирларда меҳнат кўникмаларини ривожлантириш бўйича нуқтаи назарлари ўртасидаги номувофиқлик; 53% учун - ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ўсмирларнинг ахлоқий тарбияси бўйича қарашлари ўртасидаги тафовут; 31% учун - ўқитувчилар ва ота-оналарнинг қарама-қарши жинсдаги ўсмирнинг муносабатлари бўйича нуқтаи назарлари ўртасидаги тафовут; 61% учун - мактабни таъмирлаш ва пул йиғиш масалалари бўйича ўқитувчилар ва ота-оналарнинг нуқтаи назарлари ўртасидаги тафовут; 12% учун - ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ўсмирлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича нуқтаи назарлари ўртасидаги тафовут; 14% учун - ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ўсмирларнинг бўш вақтини ўтказиш масалалари бўйича нуқтаи назарлари ўртасидаги номувофиқлик; 36% учун - ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ўсмир ва синфдошлар ўртасидаги муносабатларга бўлган нуқтаи назарлари ўртасидаги номувофиқлик.

Тадқиқот, шунингдек, ҳар икки томонда ўзаро даъволар ва ижтимоий ролларни қабул қилмаслик мавжудлигини аниқлади. Натижада, таълим амалиётини амалга оширишга ёндашувлардаги фарқлар: ўқувчиларнинг бўш вақти, ўқиши, баҳолаши, вазифаларни бажариши ва бошқалар.

Шундай қилиб, ўтказилган сўровнома уч томонлама муносабатларда кескин нуқталар мавжудлигини кўрсатди: «ўқитувчи-ота-она-ўсмир». училигининг ўзига хослиги муносабатларнинг йўналишини ва уларнинг айна пайтдаги муносабатини маълум бир тарзда ифодаланишига имкон беради. Хулоса шуки, ўсмирга унинг ёшига мос бўлмаган бола сифатидада қараш – ўзаро муносабатларда зиддиятлар учун асосни яратиб беради.

Диссертацион ишнинг «Низоли вазиятларда ўсмир муносабатларини коррекция қилиш» номли учинчи бобида турли низоли вазиятларда ўсмир – ўқитувчи ва ота-она ижтимоий хулқини мувофиклаштириш дастури, низокаш ўсмирлар хулқини мувофиклаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, ота-оналар ва ўқитувчилар билан ўтказилган тренинг натижалари мониторинги ҳамда амалий тавсиялар мазмунини ёритилган.

Биз ўсмирлар, ўқитувчилар ва ота-оналар гуруҳларидан низокорлик даражаси юқори бўлган 25 нафар ўқувчи, 27 нафар ўқитувчи ва 21 нафар ота-онани, жами – 73 нафар респондентларни танлаб олдик ва улар билан психокоррекция ишларини амалга ошириш усулларида ижтимоий психологик тренингларни танлаб олиб, амалий ишларни ташкил этдик ва ўтказдик.

Психокоррекция вазифаларини амалга оширишда шакллантирувчи ва ривожлантирувчи таълим дастурларини туздик, бунда психология ва психокоррекция тамойилларига асосландик. Биз психологик тренинг йўналишларининг қуйидаги элементларидан фойдаландик: гуманистик, гештальт модель, психодраматик ёндашув, хулқ-атворга йўналтирилган психокоррекция. Шунингдек, қуйидаги тренинг ўтказиш услубларидан: гуруҳ мунозаралари, ролли ўйинлар, ақлий хужумнинг барча турлари, ғоялар конференциялари, кейс-стади (амалий вазиятларни таҳлил қилиш усули) кичик гуруҳлар ва жуфтликда ишлаш, гуруҳий рефлексия, қайтувчи алоқа ва бошқалардан фойдаландик.

